

MODERN METHODS OF MISSIONARIES

Jasur Najmiddinov

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMIY OF UZBEKISTAN, jasurnajmiddin@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>

Recommended Citation

Najmiddinov, Jasur () "MODERN METHODS OF MISSIONARIES," *The Light of Islam*: Vol. 2022: Iss. 1, Article 8.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2022/iss1/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЗАМОНАВИЙ МИССИОНЕРЛИК УСЛУБЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАЛАРИ

МЕТОДЫ И СРЕДСТВА РЕАЛИЗАЦИИ СОВРЕМЕННОГО МИССИОНЕРСТВА

MODERN METHODS OF MISSIONARIES

Jasur X. NAJMIDDINOV

*Independent researcher of the
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN*

E-mail: jasurnajmiddin@mail.ru

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IAU/2022/1/8

Аннотация. Инсоният тарихида XX аср йирик давлатлар томонидан ўз таъсир доираларини кенгайтириш учун олиб борилган курашлар даври бўлди. Бу жараёнда Осиё ва Африка мамлакатлари асосий кураш майдонига айланди. Бунда нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ёқилгининг қимматлашиши ва йирик давлатларнинг энергетик заҳиралар устидан назорат ўрнатилиши учун улар жойлашган ҳудудларга ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қила бошлаши муҳим аҳамият касб этди. Бу муаммо ҳозир ҳам долзарблигича қолиб, йирик давлатлар миссионерликдан айнан шундай геосийёсий мақсадлар йўлида фойдаланмоқдалар, десак муболага бўлмайди.

Миссионерларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан ҳоли эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш талаб этилади.

Миссионерликни амалга ошириш усуллари деб, ушбу амалиётни самарали равишда амалга ошириш учун, муайян тажриба ва илмий асосга таянган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда тизимлилик характериغا эга назарий хатти-ҳаракатлар мажмуасига айтилади.

Ушбу мақола, айнан, миссионер ташиқлотлар ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида фойдаланилаётган услуб ва воситалар ҳамда уларнинг таҳлилига бағишланган. Шунингдек, замонлар ўтгани сайин миссионерлик услуб ва воситалари ҳам такомиллашиб, бугунги кунда насронийликка мослаштириш, маданий мослашув, контекстуализация ва динлараро диалог классик усуллар билан бир пайтда, янги, замонавий усул ва воситалар, жумладан, теле, аудио, видео, радио ва компьютер технологияларидан кенг фойдаланилаётгани каби масалалар ҳам таҳлил қилинган.

Айни дамда, миссионерлик фаолиятда инсон психикаси билан боғлиқ факторларга алоҳида урғу берилиши, психологик жиҳатдан бир шахснинг эътиқодини ўзгартириш қандай босқичларда амалга оширилиши конкрет мисоллар асосида ёритилган.

Мавжуд тенденциялар миссионерларнинг маҳаллий халқларга хос бўлган либосларни кийиши, ибодат давомидида маҳаллий динларга хос бўлган атамаларни ўзлаштириши (Аллоҳ, Тангри, Худованд, Иблис) ҳам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон мисолида олсак, баъзи христиан ташиқлотлари томонидан масиҳийликни тарғиб қилишида Алишер Навоий шеърларидаги муайян мисралардан фойдаланишга уриниш ҳолатлари инкультурациянинг бир кўриниши дейиш мумкин.

Калит сўзлар: дин омили, миссионерлик, прозелитизм, Насронийликка мослаштириш, динлараро диалог, контекстуализация, миссионерлик, классик ҳамда замонавий воситала.

Аннотация. В истории человечества XX век был периодом борьбы крупных держав за расширение сфер своего влияния. В этом процессе государства Азии и Африки стали полем основных сражений. Это было связано с ростом цен на энергоносители в результате увеличения спроса на нефть и нефтепродукты, а также с тем, что крупные державы, с целью получения контроля над энергоресурсами, стали пытаться оказывать влияние в регионах, где они расположены. Эта проблема актуальна и сегодня, и не будет преувеличением сказать, что крупные страны используют миссионерство в тех же геополитических целях.

Деятельность миссионеров в наши дни показывает, что ни один регион, ни одно государство не застрахованы от такой угрозы. Для предупреждения таких случаев необходимо более точное и глубокое понимание сущности миссионерства, осуществление целенаправленной, планомерной и поэтапной работы по его устранению.

Методы миссионерства представляют собой совокупность теоретических действий, разработанных на основе конкретного опыта и научной базы, носящих системный характер с целью эффективного осуществления этой практики.

В статье рассматриваются методы и инструменты, используемые миссионерскими организациями для увеличения числа своих последователей, и их анализ. Миссионерские методы и инструменты совершенствовались с течением времени, и сегодня христианизация, культурная адаптация, контекстуализация и межрелигиозный диалог идут рука об руку с классическими, новыми, современными методами и инструментами, включая телевидение, аудио, видео, радио и компьютерные технологии.

В статье на основе конкретных примеров раскрыто уделение в миссионерской деятельности особого внимания факторам, связанным с психикой человека, психологическими этапами, на которых происходит изменение убеждений человека.

Современные тенденции также включают ношение миссионерами национальных костюмов и использование местных религиозных терминов (Аллах, Бог, Господь,

Дьявол) во время молитв. В случае Узбекистана со стороны некоторых христианских организаций отмечены факты использования отдельных стихов Алишера Навои для пропаганды христианства, что можно отметить как проявление инкультурации.

Ключевые слова: Религиозный фактор, миссионерство, Христианская интерпретация, Межрелигиозный диалог, Контекстуализация, классические и современные способы, миссионерская деятельность.

Abstract. The 20th century has been a period of struggle to expand the scale of influence among powerful countries. The countries in Asia and Africa have become the main battlefield in this process. As a result of the growing demand for oil and petroleum products, fuel prices have risen. Powerful countries have begun to influence the oil-rich territories to gain control over the energy resources. It has been a significant point in this process. This problem has remained actual. It is no exaggeration to say that the great countries use missionary activity for similar geopolitical purposes.

Today, missionary activity shows that there is no region or country safe from such kind of threat. It is necessary to understand the essence of the missionary activity deeply and correctly to prevent such cases. Eliminating missionary work requires targeted, systematic and gradual action.

Methods of missionary work are a set of theoretical actions that are developed based on specific experience and scientific basis. It has a systemic character to carry out this practice effectively.

The paper is devoted to analyzing methods and means that missionary organizations use to increase their supporters. The article focuses on the methods and tools used by missionary organizations to increase their followers and their analysis. Missionary methods and tools have also improved over time. Christian adaptation, cultural adaptation, contextualization, and interfaith dialogue have gone hand in hand with classical, new, modern methods and tools, including television, audio, video, radio, and computer technology.

At the same time, in the missionary activity, specific emphasis is placed on the factors related to the human psyche, based on concrete examples of the stages at which the change of a person's beliefs psychologically takes place.

Among the current trends, there are cases where missionaries are wearing clothes typical of local peoples and assimilating the terms (Allah, Tangri, Khudawand, Iblis) specific to local religions during prayer. For example, in Uzbekistan, attempts by some Christian organizations to use certain verses in the poems of Alisher Navai to propagate Christianity can be considered a form of inculturation.

Keywords: Religious factor, Missionary, Proselytism, Interpretatio Christiana, Interreligious dialogue, Contextualization, Classical and modern means of missionary.

КИРИШ

Жамият тараққий этиб борган сари миссионерлик ҳам ўз услуб ва воситаларини такомиллаштириб бормоқда. Миссионерликни амалга ошириш усуллари деб, ушбу амалиётни

самарали равишда амалга ошириш учун, муайян тажриба ва илмий асосга таянган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда тизимлилик характериға эға назарий хатти-ҳаракатлар мажмуасига айтилади.

Миссионерлик фаолиятини амалга ошириш воситалари деганда эса – мавжуд услублар асосида диний даъватни омма орасида кенгроқ тарқатишда ёрдам берадиган, ушбу жараёни осонлаштирадиган амалий хатти-ҳаракатлар назарда тутилади.

Тарихнинг турли босқичларида сиёсатчилар, сайёҳлар, савдогарлар, дарвешлар миссионерликнинг асосий субъектлари бўлгани, пировардида мазкур миссияни бажаришда улар ўз соҳаларидан фойдаланганлари маълум.

Вақт ўтиши билан миссионерлик услуб ва воситалари ҳам такомиллашиб, бугунги кунда классик усуллар билан бир пайтда, янги, замонавий усул ва воситалар, жумладан, теле, аудио, видео, радио ва компьютер технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўрганишлар, миссионерлар тарихий тажриба, илмий-фалсафий ёндашув асосида тизимлашган тарғибот усулларини ишлаб чиққанларини кўрсатмоқда. Айниқса, христианлик дини бу борада катта натижаларға эришган.

Туркиялик тадқиқотчи Севги Алтундал Хаждарига кўра христиан миссионерлари қўллайдиган усулларнинг энг кўзга кўринганлари бу насронийликка мослаштириш, маданий мослашув, контекстуализация ва динлараро диалог ҳисобланади (Sevgi Altundal Hajdari, 2016: 19).

Насронийликка мослаштириш (*Interpretatio Christiana*) – христиан черкови томонидан аввалги динларға оид маданият элементлари ёки тарихий фактларни христиан дунёқарашиға мослаштириш амалиёти. Ушбу атама одатда «бутпараст» халқларнинг диний ва маданий ҳаётиға, эътиқодлари ва ғояларига насронийлик шаклини беришни англатади.

Христиан динини ёйиш жараёнида насроний черкови бутпарастлик амалиётларини ўз мақсади йўлида мослаштирди, уларни янги ва ўз нуқтан назаридан ҳақиқий таркиб билан тўлдирди.

*Interpretatio Christiana*нинг биринчи босқичи христианлик тарихининг биринчи асрларига тўғри келади. Ўша пайтда черков қадимги бутпараст маданий элементларини ўзлаштира бошлаган. Бунда, асосан, диний маросимлар, байрамлар ва рамзларға христиан талқинини сингдиришға алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, V асрдан бошлаб қадимий бутпараст ибодатхоналари ўрниға христиан черковларини қуриш амалиёти кенг кулоҳ ёзади. VII-VIII асрларда Британия оролларида фаолият юритган Авлиё Беде «Инглиз халқларининг черков тарихи» китобида Папа Григорий I дан қуйидаги иқтибосни

келтиради: «Мен бу халқнинг ўз бутларига атаб курган ибодатхоналари бузилмаслиги керак, деб қарор қилдим. Улардаги бутларни йўқ қилгандан сўнг, муқаддас сувни олинг ва бу ибодатхоналарга сепинг. Уларга алтарьлар ўрнатинг ва муқаддас буюмларни жойлаштиринг. Агар ибодатхоналар мустаҳкам қурилган бўлса, бутлар хизматини Ҳақиқий Худо хизматига алмаштириш жуда муҳимдир. Одамлар ўзлари муқаддас деб билган жойлар йўқ қилинмаганини кўрсалар, қалбларидан залолатни чиқариб юборадилар ва чинакам Худони таниб, Унга ибодат қилиш учун таниш жойларга кўпроқ келадилар» (Эрлихман, 2001).

Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра христианликдаги Рождество ва Пасха байрамларининг саналари ҳам олдинги динлардан ўзлаштирилган. Хусусан, бугунги кунда аксар христианлар томонидан Рождество байрами нишонланадиган 25 декабрь санаси Қадимги Римда Енгилмас Куёш худосининг туғилган кунини ҳисобланган. XII асрда суриялик епископ Дионисий бар Салиби Исонинг туғилиши байрами бутпарастлар Куёшнинг пайдо бўлишини 25 декабрда нишонлагани сабабли 6 январдан 25 декабрга кўчирилганини ёзган (McGowan, Andrew).

Маданий мослашув (инкультурация) – муайян эътиқод ёки тушунчани маҳаллий маданият ичига киритиш, адаптация ҳосил қилишни билдиради (Чирков, 2018: 144-155; 14).

Иккинчи Ватикан Кенгашида инкультурация бугунги кундаги энг тўғри миссия усули сифатида таъкидланган. Инкультурация тизимли метод сифатида Иккинчи Ватикан Кенгашида кун тартибига киритилган бўлса-да, у қадимги даврлардан бошланган эди. Павел бу усулни бутпарастлар орасида насронийлик таълимотини тарқатишда қўллаган (Tasci, 2006: 27).

Католик черковида инкультурациянинг қабул қилинишида Иезуитлар ордени кучли таъсир кўрсатган. Италиялик иезуит миссионер Роберт де Нобили (1577-1656) ушбу усулни Ҳиндистонда қўллаган ва лотин христианлиги ва ҳинд маданиятини мослаштиришга уринган. Бу ҳаракати учун де Нобили Рим инквизиция судига ҳукм қилинган.

Иезуитларнинг яна бир вакили Жон Дениелу бирор мамлакатда муваффақият қозониш учун черков ташкил этишнинг ўзи етарли эмаслиги, шу мамлакатнинг маданий жиҳатлари билан бирлашиб, христианликка илҳомлантирувчи маҳаллий асарлар яратиш кераклигини таъкидлаган. Ушбу услубни қўллаш орқали христианлар миссионерларни маҳаллий маданият билан бирлаштиришни мақсад қилдилар, қайсидир маънода улар миссионерлик

фаолияти қарши реакцияга учрашининг олдини олишни ҳам хоҳлаган эдилар (Tasci, 2006: 28).

Инкультурациянинг ёрқин мисоли сифатида дунёнинг турли мамлакатларида ибодатхоналарнинг қурилиш услуби, диний атамаларнинг маҳаллий халқлар тилига мослаштирилишини келтириш мумкин. Хусусан, Япония, Хитой каби давлатларда христиан черковлари ва мусулмон масжидлари маҳаллий пагодалар услубида қурилиб, бир қарашдан буддавий эҳромларини эслатиб юборади.

Айни дамда, миссионерларнинг маҳаллий халқларга хос бўлган либосларни кийиши, ибодат давомида маҳаллий динларга хос бўлган атамаларни ўзлаштириши (Аллоҳ, Тангри, Худованд, Иблис) ҳам инкультурациянинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон мисолида олсак, баъзи христиан ташкилотлари томонидан масиҳийликни тарғиб қилишда Алишер Навоий шеърларидаги муайян мисралардан фойдаланишга уриниш ҳолатлари инкультурациянинг бир кўриниши дейиш мумкин. Масалан:

Бир қадах берсанг, қўярмен бутқа юз, эй пири дайр,

Иккисин олиб, бошимга ҳасбатан лиллоҳ, кел.

Гарчи келмай – келмай ўлтурдинг Навоийни вале,

Эй Масиҳ, онинг мазори бошига гоҳ – гоҳ кел (Навоий, 1988: 412).

Мазмуни: Эй дайр пири «Тарсолар ибодатхонаси бошлиғи» агар менга бир қадах берсанг бутга сиғинаман. Сен иккитасини олиб, Оллоҳ учун ёнимга кел. Эй Масиҳ, сен Навоийни ёнига келмай ўлдирдинг, энди унинг мазори бошига гоҳ – гоҳ кел.

Бу мисраларда бадиий тасвир воситаси сифатида «қадах», «бут», «пири дайр», «Масиҳ» сўзлари ишлатилган.

Лаълини севдим, кўзининг қатлидин қай-гурмоғум,

Не гам ўлмакдин киши бўлса Масиҳо бирла дўст (Навоий, 1988: 74).

Мазмуни: Мен ёрнинг лаълини (лабларини) севдим. Жаллод кўзларининг қатл этишидан қайғурмайман, чунки Масиҳо билан дўст бўлган кишининг ўлмоқдан ғами бўлмайди.

Юқоридаги мисралар «талмеҳ санъати»нинг, яъни жой, тарихий шахслар, пайғамбарлар, авлиёлар номларини ўз фикрини ифода этиши учун бадиий тасвир воситаси сифатида ишлатишнинг ёрқин намунасидир. Алишер Навоий асарларида шундай руҳда ёзилган ҳамда Исо ва Масиҳ номлари истифода этилган мисраларни кўплаб топиш мумкин.

Талмеҳ шеърий санъати Навоийгача, унинг устозлари ижодида ҳам кўплаб учрайди. Бундан асло улар христиан (насроний) динига эътиқод қўйганлар деган хулоса келиб чиқмайди. Зеро, Алишер Навоий

ислом дини ва шарият аҳкомларининг пешвоси ва ҳомийси бўлган. Барча пайғамбарлар қатори Исо Масиҳни ҳам эҳтиром билан тилга олган. Чунки уларнинг номлари ва фаолияти Куръони каримда қайд этилиб, тегишли баҳо берилган.

Бадиий адабиётимизга хос юқоридаги каби нозик жиҳатлардан хабардор бўлган миссионерлар улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар (Очилдиев, А.; Нажмиддинов, Ж., 2009: 117).

Инкультурациянинг кўринишларидан яна бири, бу черков кўшиқлари ва илоҳий гимнларни маҳаллий халқ оҳангларига солиб қуйлашда намоён бўлади.

Контекстуализация – христианликда «Библия»ни кенгроқ тушуниш ва насроний бўлмаганлар томонидан яхшироқ қабул қилишга эришиш учун кенгроқ ижтимоий шароитга мослаштиришни англатади (Ворохобов, 2019: 10-15).

Масалан, «Қадимги Аҳд»нинг Забур китобидаги «Мени ювинг, мен қордан оппоқ бўламан» (50:7) сўзларини тропик минтақада истиқомат қилувчилар учун таржима қилиш жараёнида, улар қорни ҳеч қачон кўрмаганларини инобатга олган ҳолда «Мени ювинг, мен кокоснинг ичидан ҳам оппоқ бўламан», шаклида таржима қилинган.

Шимолда ишлайдиган миссионерлар христианларнинг кундалик ҳаётида энг кўп ўқиладиган «Бизнинг кундалик нонимиз» (Хлеб наш насущный) дуосини «Бизнинг кундалик балиғимиз» шаклида таржима қилганлар. Сабаби, нон чукча ва эскимосларнинг рационларига умуман кирмас экан. Худди шундай, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида «нон» сўзи ўрнига «таом» ёки «гуруч» сўзлари ишлатилган (Ворохобов, 2019: 15).

Худди шу тарзда, «Библия»ни ўзбек тилига «Инжил» ёки «Муқаддас хушхабар», деб аталиши ёки «Қадимги Аҳд» ва «Янги Аҳд» китобларидан «Тора»ни – Таврот, «Псалтирь»ни – Забур, «Апокалипсис»ни – Ваҳийнома деб таржима қилиш, пайғамбарлардан «Авель ва Каин»ни – Қобил ва Ҳобил, «Иов»ни – Айюб, «Давид»ни – Довуд шаклида исломий атамалар билан ифода этилиши контекстуализациянинг бир кўринишидир.

Динлараро диалог – бу ижтимоий адолат тадбирлари орқали Инжилни етказиш ҳамда Инжил ва маданиятлар ўртасида алоқани таъминлашнинг ажралмас воситасидир. Бошқача қилиб айтганда, черковнинг жамиятларни Инжилга биноан қайта тиклаш жараёни ҳам маданиятларга кириб бориш жараёни ҳам диалог жараёни ичида амалга ошади. Кўпгина қўлланмалар, хусусан «Доминус Иесус» ва «Редемпториос Миссио» сингари Папаликнинг муҳим қўлланма китобларида черков мулоқот методини замонавий миссионерлик тушунчасининг ажралмас қисми чифатида ошқора ифодалаган (Sinasi, Gündüz; Mehmet, Aydın, 2002: 36).

Миссионерлик фаолиятда инсон психикаси билан боғлиқ факторларга алоҳида урғу берилади. Айниқса, сўнгги йилларда мазкур омилга эътибор кучайган. Чунончи, психологик жиҳатдан бир шахснинг эътиқодини ўзгартириш жараёни қуйидаги 4 босқичда кечади:

Ширин сўзлар ва мактовларга кўмиб ташлаш. Бунда потенциал прозелитни эътибор ва муҳаббат билан тўйинтиришга ҳаракат қилинади. Масалан, секта аъзолари уни қаттиқ севишлари, улар учун муҳим экани, у Худонинг назари тушган одамлигини уқтиришга ҳаракат қиладилар.

Танқидий фикрлаш қобилиятингизни сўндириш. Потенциал прозелит илоҳий неъматлар, руҳий осойишталикка эришиш учун бир қанча машқларни бажариши лозимлигига ишонтирилади. Бир оҳангдаги кўшиқларни қуйлаш, медитация охир-оқибат мустақил фикрлашни пассивлаштиради ва буйруқларни сўзсиз бажарадиган роботга айлантиради.

Гуруҳ ичидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ташқи дунёдан узилишга мажбур қилиш. Бунда потенциал прозелит фақат гуруҳдошлари ҳақиқий дўст, қолганлар эса жоҳил, адашган деб уқтирилади. Шунингдек секта раҳнамоларининг гапи абсолют ҳақиқат, нажотга етакловчи сўзлар бошқаларнинг сўзлари эса ёлғон экани уқтирилади.

Сектадан ташқаридаги ҳаётга қайтиш имкониятини йўққа чиқариш. Бу босқичда, янги прозелит сектага буткул боғланиб қолади. Сектадошларидан бошқалар кўзига бегона, душман бўлиб кўринади. Сектадан ташқаридаги ҳаётга бегона назар билан қарайди. Қачондир сектанинг иддаолари сохта эканини ҳис қилганида ҳам ундан чиқишга юраги бетламайди. Ташқи дунё унга дахшат бўлиб кўринади.

Юқорида келтирилган усулларни амалга оширишда бир қатор классик ва замонавий воситалардан фойдаланилади.

Миссионерликнинг классик воситалари

Уйма-уй юриш. Одамлар билан куннинг долзарб муаммолари ҳақида суҳбатлашиш, уларнинг дардларига қизиқиш билдириш ва ушбу муаммолардан чиқиш йўлларини кўрсатиб беришни таклиф қилиб, ўз ташкилотларига жалб қилиш миссионерликни амалга оширишнинг қадимий воситаларидан ҳисобланади.

Уйма-уй юришдан энг кўп Иегово шоҳидлари оқими аъзолари фойдаланиб, улар бу орқали Исо Масиҳ ўз ҳаворийларига буюрган амрни бажараётганларини таъкидлайдилар (Иеҳованинг Шоҳидлари: улар нимага ишонадилар? Ташкилот томонидан нашр этилган тарқатма варақа, 2005). Хусусан, 2005 йилда Иегово шоҳидларининг бош ташкилоти томонидан уйма-уй юривчи

миссионерларнинг кундалик харажатларига 100 миллион долларга яқин маблағ сарфланган (Очилдиев, А.; Нажмиддинов, Ж., 2009: 67).

Хайрия ёрдамлари кўрсатиш миссионерликдаги энг қадимий ва самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Зилзила, тошқин, очарчилик каби офатларнинг содир бўлиши миссионерлар учун айни муддао ҳисобланади. Қаерда юқоридагидек ҳолатлар юз берса ўша ерга биринчи бўлиб миссионерлар етиб боришади. Дастлаб улар ўзларини беғараз ёрдам кўрсатаётганларини кўз-кўз қилиб, аста секин асл мақсадларини кўрсатадилар.

Бунга далил сифатида қуйидаги мисолни келтиришимиз мумкин. 2003 йили Қирғизистон бош вазири билан учрашув чоғида, АҚШ нинг ЮТА штати делегацияси раҳбари Рассел Нельсон ўз штатидан Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдамнинг кўпайтирилиши Қирғизистон худудида Мормон черковининг нечоғлиқ тез қонунийлаштириш билан боғлиқ эканини қайд қилган (Домагальская, Н.; Торалиева, Г., 2005: 56).

Хайрия тадбирлари орқали жамият онгида ижобий имидж яратиш, маҳаллий аҳоли, шунингдек, маҳаллий ҳокимият вакиллари билан дўстона муносабатларни куриш мақсад қилинади. Масалан, Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳрида жойлашган 5 та Баптист ва Меннонит жамоаларидан иборат миссионерлик кўмитаси 1990-1998 йиллар орасида Қозоғистонга 398 та инсонпарварлик ёрдамлари ортилган транспортлар (ҳар бири 15-20 тонна) юборган. Уларнинг юклари асосан озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал, дори-дармонлардан иборат бўлган. Бундан ташқари 208 та миссионер автомобили, 2818 нусха диний адабиёт, умумий қиймати 4 039 000 немис маркасига тенг ёрдам кўрсатган (Очилдиев, А.; Нажмиддинов, Ж., 2009: 41).

Тиббиёт ва таълим соҳаларига махсус кадрларни юбориш (тиббий хизматчи, ўқитувчи-мураббий ва х.к.) ҳам энг қадимий воситалардан биридир.

Маълумки Исо Масихга берилган мўъжизалардан бири инсонларни даволаш хусусияти ҳисобланади. Илк миссионерлар асосан ўша даврларда ҳам анчагина ноёб касб ҳисобланган ва юқори кадрланган табиблик фаолияти билан шуғулланиб, инсонларни даволаш билан бир қаторда динни тарғиб қилар эдилар. Бу ўз даври учун энг самарали усуллардан бири эди.

Ҳозирги кунда бир қатор миссионер жамоалар тиббиёт соҳасидан фойдаланмоқда. Жумладан, маълумотларга кўра Еттинчи кун Адвентистлари дунёнинг турли чекаларида 200 дан ортик бепул шифохоналарга эга.

1992 йил 20 июлда миссионер Сергей Рахуба томонидан ташкил этилган «Рухий тикланиш»

миссионерлик ассоциациясининг минтақавий миссионерлик марказларини ривожлантириш концепциясида тиббий миссияларнинг асосий вазифаси: «Янги черковларни тузиш ва инжиллаштириш», деб белгилангани ҳам бу соҳага бўлган эътиборнинг мақсадини яққол ифодалайди, дейиш мумкин. Ушбу ассоциация томонидан ўтган йилларда МДХ мамлакатларида фаолият олиб борадиган 1000 дан ортик миссионернинг «малакаси» оширилгани эса ушбу мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган ишлар кўламадан кичик бир нишона, ҳолос (Очилдиев, А.; Нажмиддинов, Ж., 2009: 84-85).

Ўрганиш бугунги кунда тиббий соҳа имкониятларидан фойдаланган ҳолда миссионерлик амалиётини ташкил этишда:

- ибодатга келувчиларнинг ахборотларига таянган ҳолда конкрет-адресли ёндашув асосида касалларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга дори-дармонларни харид қилишда кўмаклашиш;

- наркоманларни даволаш билан шуғулланиш;

- Халқаро ногиронлар куни муносабати билан кулоғи паст эшитадиган фуқароларга кулоқ учун мўлжалланган овоз кучайтиргич аппаратлари ва ўзи юролмайдиган ногиронлар учун аравачалар харид қилиш ҳамда ногиронлар уйларига турли, жумладан, озик-овқат маҳсулотлари шаклида ёрдам кўрсатиш;

- шифохоналарга ҳомийлик қилиш, уларга чойшаблар, ёстиқ жилдлари, тиббий ходимлар кийимлари каби зарур нарсаларни етказиб бериш;

- алкоголик, наркоман ва собиқ маҳбусларни «меҳнат тарбияси» ва «Хушхабар»ни англантиш ва йўли билан «даволаш» ва «соғлом турмуш тарзига қайтариш»;

- иглотерапия ва массаж йўли билан беморларни даволаш каби йўналишларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, қайд этилган йўналишларнинг ҳар бири эътиқодий тарбия объекти сифатида танлаб олинганларга таъсир ўтказишнинг ўзига хос имкониятларини беради.

Умуман олганда, тиббиёт соҳасидан миссионерлик йўлида фойдаланишга интилишнинг бир қатор афзалликлари бор. Гап шундаки, врач бемор билан бевосита, аксарият ҳолларда бегоналарнинг иштирокисиз мулоқот қилиш имкониятига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, бундай шаклда амалга оширилган миссионерлик ташқи кузатув ва назоратдан холи бўлади ҳамда ноқонуний фаолиятнинг фош бўлиш эҳтимолини кескин даражада пасайтиради.

Айни пайтда, бемор одамда ташқи таъсирга мойиллик, ширин ва юпатувчи сўзга, оддий инсоний қўллаб-қувватлашга ташналик кучли бўлади. Бундай маънавий-руҳий ҳолат ҳам эътиқодий босим ва тазйиқ ўтказиш учун қулай шароит яратади.

Шу билан бирга, кўпгина ҳолларда врачнинг мунтазам назорати остида даволанишга эҳтиёжнинг мавжуд бўлишини ҳам унутмаслик керак. Бу эса, ўз навбатида, врачга беморни муайян вақт давомида психологик таъсир доирасида ушлаб туриш, миссионерлик тарғиботини босқичма-босқич амалга ошириш имкониятини беради. Беморни даволашнинг муваффақиятли кечиши эса миссионерлик тарғиботининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади (Очилдиев, А.; Нажмиддинов, Ж., 2009: 85-86).

2002 йили Тожикистоннинг Сўғд вилоятига Жанубий Кореядан хирурглар, терапевтлар ва педиатр врачлар гуруҳи ташриф буюрди. 2003 йил июлида эса худди шундай ташриф билан энди Чкаловск шаҳрига яна саккизта миссионер врачлар келган (<https://iwpr.net/ru/global-voices/nischeta-v-tadzhikistane-na-ruku-neislamskim-religioznum-organizaciyam>, 2005).

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши ижтимоий қарашлар ва қадриятларни сингдириш, мустақамлашга хизмат қиладиган таълим-тарбия тизимида боғлиқ. Зеро, муайян билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри, илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштирилади. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ғоя ва қарашларни сингдиришдаги тадрижийлик таъминланади. Шу билан бирга, таълим жараёнида амалга оширилган тарғибот натижаларини бевосита текшириб кўриш ва уни такомиллаштириб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Юқоридаги каби хусусиятлар миссионерларнинг таълим тизимида алоҳида эътибор билан қарашини келтириб чиқармоқда. Адвентистларнинг дунё бўйича 5000 дан ортиқ ўқув марказларига, пятидесятникликнинг энг йирик йўналишларидан бири – «Худо Ассамблеялари» черковлари бир неча коллеж ва Библия мактабларига эгаллик қилаётгани ҳам айнан шу билан изоҳланади.

Миссионерлар тил ва компьютер ўргатиш марказлари, ҳатто мактаб ёшигача бўлган болалар учун шу йўналишдаги ихтисослашган боғчалар очиш орқали ҳам ёшлар орасида тегишли тарғиботни ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда ота-оналарнинг ўз фарзандларини ёшликдан бир неча тилга ўргатиш, компьютер саводхонлигини оширишга бўлган интилиши ва ёшларда бундай соҳаларга бўлган қизиқишлардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилинаётганини кўриш мумкин. Миссионерлар бундай марказлар ва боғчаларда тил ва компьютер ўргатишни яхши йўлга қўйиш, пул тўловларини нисбатан арзон қилишга алоҳида эътибор берадилар. Аҳоли ўртасида ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурни

шакллантириш эса миссионерликни амалга ошириш учун никоб бўлиб хизмат қилади (Очилдиев, А.; Нажмиддинов, Ж., 2009: 89-90).

Хусусан, 1985 йил маълумотларига кўра, католик черкови тасарруфидаги 75 минг бошланғич мактабда 21 миллион, 30 мингта ўрта мактабларда 11 миллион ўқувчи, католик коллежлари ва университетларида 2,1 миллион талаба, шунингдек, 6 500 та касалхона, 12 000 та диспансер марказлари, 10 000 та қариялар ва ногиронлар уйлари, 6 200 та болалар уйлари ҳамда 5 800 та болалар боғчалари мавжуд бўлган. Буларга қўшимча равишда, саводхонлик дастурлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурлари ва наشريётлари йўлга қўйилган эди (Gazi, 2002: 36).

Баптистларнинг Халқаро хизмат корпуси (ISC, АҚШ) 1990 йилдан Ўрта Осиёга таълим тизимида ишлаш учун волонтерларни тайёрлаш, «Халқаро очиқ эшиклар» (Open Doors International) ташкилоти етакчи тайёрлаш, Библияни ўрганиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этиш, «Ўрта Осиё христиан мактаблари» ассоциацияси бошланғич мактаб ва ёзги таълим лагерлари, «Халқаро христиан лагерлари (Christian Camping International)» уюшмаси эса болалар учун ёзги дам олиш лагерлари ташкил этиш орқали миссионерлик билан шуғуллангани кузатилган.

Қатор миссионерлик марказлари минтақада тил ўргатиш марказлари паноҳида ўз фаолиятини йўлга қўйган. 2000-йилларда «Халқаро таълим хизмати» (Международная образовательная служба) ташкилотининг инглиз тили, менежмент ва ҳуқуқшунослик каби йўналишлар бўйича миссионер-ўқитувчиларни тайёрлаб, Венгрия, Россия, Хитой ва Марказий Осиё республикаларига юбориш билан фаол шуғуллангани кузатилган (Ҳасанбоев, 2013: 83).

Миссионерликнинг замонавий воситалари

Маҳаллий тилларда христианликни тарғиб қилувчи адабиётларни чоп қилиш ва тарқатиш. Бунда биринчи навбатда Библия, қолаверса турли ёш, жинс ва ижтимоий категориялар учун мослаштирилган ранг-баранг адабиётлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади.

МДХ худудида христиан адабиётларини тарқатиш «Slaviska Missionen» (Швеция), «People International» (Буюк Британия), «Халқаро Библия жамияти» (АҚШ, Швеция) каби ташкилотлар орқали амалга оширилмоқда (Ҳасанбоев, 2013: 83).

Кичик ҳажмдаги кўлланмалар жуда ҳам таъсирчан қилиб ёзилади ва одамларнинг эътиборини жалб қилиш учун чиройли суратларга бой бўлади. Уларда динни қабул қилиш очиқ-ойдин таклиф қилинмайди. Аммо адабиёт охирида қўшимча маълумот олиш учун ташкилот манзили ёки телефони келтириладики, рисолаи ўқиган ва

диний билими саёз бўлган инсон бу нарсага учиши мумкин. Масалан, Иегово шоҳидлари ташкилоти томонидан тарқатилган китобчаларнинг бирида шундай ёзилган: «Албатта, Иехово Шоҳидларининг бутун таълимотини ушбу кичик китобга қамраб олишнинг иложи йўқ, лекин биз сизга қўшимча маълумотга эга бўлишингиз учун турар жойингизда истиқомат қилувчи Иегованинг Шоҳидларига мурожаат қилишингизни таклиф этамиз» (Иехованинг Шоҳидлари: улар нимага ишонадилар? Ташкилот томонидан нашр этилган тарқатма варақа, 2005).

Ушбу ташкилотнинг «Қўриқчи минораси» журнали ойига икки марта 334 тилда, қарийб 70 миллион тиражда чоп этилади. «Уйғонинглар!» журнали эса 225 тилда, 90 миллиондан ортиқ тиражда нашр этилади [16]. 2006 йилдан «Қўриқчи минораси» журнали ўзбек тилида ҳам чиқарила бошланган.

Йирик протестант ташкилотларидан яна бири «Еттинчи кун адвентистлари» жамоаси ҳам ўз фаолиятида ушбу воситадан кенг фойдаланиб, бунинг учун дунё бўйлаб 170 дан ортиқ тилда миссионерлик адабиётлари чоп этишга ихтисослаштирилган 50 дан ортиқ нашриётлар очилган (Нажмиддинов, Ж., 2008: 38).

Пятидесятникликнинг турли ташкилотлари ҳам ўз даъватчилик фаолиятларида асосан ушбу воситадан фойдаланадилар. Жумладан, «Худо черкови» ташкилотининг саккизта, «Худо ассамблеялари» черковининг 16, шу жумладан, аёллар ва болалар учун журналлари ва Халқаро бирлашган пятидесятник черковларининг бир неча нашрлари мавжуд (Нажмиддинов, Ж., 2008: 38).

Маълумотларга кўра, 200 дан ортиқ мамлакатда Тўлиқ Инжил христианларига қарашли 120 дан ортиқ Библия жамиятлари фаолият юритади. Ушбу оқимга кирган янги вакилларнинг ярмидан кўпи динни қабул қилишларини христиан адабиётлари таъсири билан боғлашлари эса юқоридаги услубнинг нечоғлик самарали эканини кўрсатади (Вегерт, 1992: 23).

Медиа соҳаси имкониятларидан фойдаланиш.

Ҳозирги кунда миссионер ташкилотлари томондан тарғибот ишларида аудио, видео ва электрон маҳсулотлар, рўзнома ва ойномалар, теледастурлар, интернетда онлайн ўқув курслари ташкил этиш воситаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, миссионерлик мазмунидаги аудио материалларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланувчи кўп сонли халқаро агентликлар фаолият юритмоқда. Ушбу йўналишдаги энг йирик ташкилот – Global Recordings бўлиб, у 40 дан ортиқ миллий агентликни бирлаштиради ва ҳозирги кунга келиб 6500 та тил ва лаҳжада маҳсулот ишлаб

чиқармоқда (<https://globalrecordings.net/en/about>, 2021)

Ҳозирги кунда Европа ва Америка қитъаларида миссионер даъватчилар машҳурлилик борасида шоу-бизнес ва киносаноат юлдузларидан қолишмайдилар. Маълум бўлишича, телевидение орқали даъват қилишдан энг кўп Адвентист ва Тўлиқ инжил христианлари жамоалари фойдаланишади. Еттинчи кун Адвентистлар жамоаси ҳам аънавий усуллар билан бир пайтда радио, телевидение, интернет каби замонавий усуллардан фойдаланишмоқда ушбу оқим вакиллари томонидан телевидениеда «Хушхабар келтирувчи овоз», «Бугунги кун учун эътиқод» каби дастурлар узатилади.

МДХ худудида ҳам бир қатор миссионерлик дастурлари эфирга чиқади. Жумладан, 90-йилларда ҳамда 2000-йиллар бошида Россиянинг ТВ-3 канали орқали бутун МДХ га узатиладиган «Кеннет Коупленд миссияси» га қарашли «Иймонли кишининг баралла овози» дастури, бундан ташқари Пятидесятник йўналишига тегишли «CNL», «ICB» каби телеканаллар, «Кема» миссионерлик ташкилотининг ўрта(MW) ва қисқа (УКВ(SW)) тўлқинларда узатиладиган радио дастурлари мавжуд бўлган (Вегерт, 1992: 35).

Ҳозирги кунда халқаро христиан радио дастурларини узатишда 13 та энг йирик агентликлар иштирок этимокда. Улар томонидан 211 тилда ҳафтасига 8,5 минг соат миқдорида эшиттиришлар олиб борилмоқда. Биргина «АНД овози» номли бутунжаҳон радиоси 120 дан ортиқ тилда юздан ортиқ мамлакатга «Инжил» ни тарғиб қилиш билан шуғулланади (Нажмиддинов, Ж., 2008: 37).

Интернет тармоғида ҳам миссионер ташкилотлар ўз саҳифаларига эгалар. Хусусан, интернетдаги www.calebproject.com, www.10/40.org каби сайтларда «10/40 ОЙНА» худудида миссионерлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида кўрсатмалар берилиб, ушбу худуд харитаси ҳам келтирилган. Тожикистондаги миссионерларнинг сайтида эса, мусулмонларни протестантликка ўтказиш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилган. Ушбу сайтларда миссионерларга турли маслаҳатлар, миссиология бўйича ўқув курслари бериб борилади.

Кино инсон онги ва хулқига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос услублари ва имкониятларига эгаллигини кишиларнинг машҳур киноқаҳрамонларга таклид қилишларида, уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари ва, ҳатто, кийинишларини такрорлашга интилишларида кўришимиз мумкин. Киноқаҳрамонлар айтган ва машҳур бўлиб кетган сўзлар, иборалар ва гапларни ҳам кинонинг кишилар хулқига таъсирини кўрсатувчи ҳаётий мисоллар сифатида қараш мумкин.

Маълумотларга кўра, масалан, 2006 йилда миссионерлик ғоялари билан суғорилган 118 та кинофильм ишлаб чиқарилган бўлиб, улар Голливудда яратилган барча фильмларнинг 41 фоизини ташкил этади.

Мутахассислар фикрича христианлик руҳи билан суғорилган фильмлар жангари ва фантастик фильмлардан ҳам кўпроқ даромад келтирмоқда.

Бугунги кунга келиб, миссионерларнинг фан тараққиёти ютуқларидан бўлган нейролингвистик дастурлашдан фойдаланган ҳолда «бадий» ва «тарихий» филмлар орқали ўз ғояларини тарғиб қилиш тенденцияси кузатилмоқда. Бунга «Виждон амри» (По соображениям совести), «Тарас Бульба», «Ной» каби фильмларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Аксар томошабинлар «Оскар» мукофотини олган «Виждон амри» фильмини ҳеч қандай диний характерга эга эмас деб фикр юритадилар. Агар диншунослик нуқтаи назаридан қаралса, мазкур фильмнинг бошидан охиригача «Еттинчи кун адвентистлари» нинг ғоялари тарғиб қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Фильмда бош қаҳрамон Десмонд Досс исмли бола уруш йилларида армияда хизмат пайтида ўз диний принципларига кўра давлат томонидан ўрнатилган тартиб қоидаларга қарши чиқади ва қаҳрамон сифатида гавдалантирилади.

Қайд этилган мисоллар яқин истиқболда кино инсон онгига эътиқодий босим ўтказиш ва христианлик ғояларини тарғиб қилишнинг асосий бўғинига айланишидан далолат беради (Очилдиев, А.; Нажмиддинов, Ж., 2009: 95).

Юқоридагилар билан бир қаторда миссионерликда мақсадли дастурларни тайёрлаш, аҳоли ва ижтимоий категорияларни танлаб олиш ва индивидуал ишлашга катта урғу берилди. Хусусан, ёшлар билан ишлашда – талабалар ва болалар учун миссиялар, христиан оромгоҳлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Халқаро христиан оромгоҳлари ассоциациясига МДХ нинг 7 мамлакатида 177 оромгоҳ аъзо бўлган. Оромгоҳларга асосан ота-онаси йўқ ёки кам таъминланган оилалар вакиллари бепул асосда жалб этилади. Дастурлар шундай ишлаб чиқилганки, мавсум охирига бориб ушбу оромгоҳларда дам олган бола христианликни қабул қилади (<https://www.ccirussia.org/about/index.html>, 2021).

Миссионерлар маҳаллий кадрлар тайёрлашни муҳим вазифа ҳисоблайдилар. Чунки прозелит-фаоллар ҳорижлик миссионерларга ошкора фаолият олиб бормаган ҳолда маҳаллий жамоаларни бошқариш, молиявий ва бошқа шаклдаги фойда кўриш имкониятларини яратадилар. Одатда миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат

вакиллари билан иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка, жудоликка, моддий қийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар. Шунингдек, уй бекалари, зиёлилар, ёшлар каби ижтимоий гуруҳлар ҳам миссионерларнинг «нишонини» саналади (Ҳасанбоев, 2013: 83).

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миссионерлар ҳар қандай киши ва жамият ҳаётида учрайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга доимий эътибор бериб келганлар. Улар бугунги кунда ҳам моддий-маънавий таъсир ўтказишнинг турли шакллари билан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

«Кўзи ожизлар жамияти», «Меҳрибонлик уйи» каби ташкилотларга хайрия сифатида молиявий кўмак бериш, «Қариялар уйлари» ташкилий ва моддий (озик-овқат олиб бориш, муҳтож кексаларни овқатлантириш) шаклида ёрдам беришга интилишлар ортида ҳам айнан қалбларни эгаллаш мақсади ётади.

Умуман олганда, миссионерлар турли хил ижтимоий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказишдан ижтимоий онгда ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш, ўзаро муносабатлар ўрнатиш ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари билан алоқаларни яхшилашдек мақсадларни кўзлайдилар.

Бундай тадбирларга аҳолининг турли қатламлари, жумладан, ёшлар кенг жалб этилади. Иштирокчиларга христиан адабиётларини ҳам ўз ичига олган совғалар улашилади, тадбир сўнгида албатта ибодат ва «Библия» ўқиш ҳам бўлади.

Миссионерлик билан шуғулланишга ҳаракат қилаётган айрим диний ташкилотларнинг у ёки бу ўрта мактабга янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун таъмирлаш материаллари олиб бериш, ибодатга қатнайдиغانларнинг бевосита таъмир ишларида қатнашиши шаклида ёрдам беришга ҳаракат қилишлари ортида ҳам ғараз мақсадлар ётишини англаш қийин эмас.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 1-синфга борадиган болаларга ўқув сумкалари, зарур дарсликлар, дафтар ва ручкалар бепул тақдим этилади. Миссионерлар давлатимиз сиёсатига хос бундай инсонпарварлик ҳаракатига ҳам мослашишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг ибодатга келувчиларнинг ахборотларига таяниб, конкрет-адресли ёндашув асосида янги ўқув йили арафасида муҳтож оилаларнинг 1-синфга борадиган

болаларига дафтар, қалам ва бошқа канцелярия моллари, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига эса, унга қўшимча тарзда болалар кийим-бошлари ва ўйинчоқлар совға қилишга уринаётгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Миссионерлар тил ва компьютер ўргатиш марказлари, ҳатто мактаб ёшигача бўлган болалар учун шу йўналишдаги ихтисослашган боғчалар очиш орқали ҳам ёшлар орасида тегишли тарғиботни ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда ота-оналарнинг ўз фарзандларини ёшликдан бир неча тилга ўргатиш, компьютер саводхонлигини оширишга бўлган интилиши ва ёшларда бундай соҳаларга бўлган қизиқишлардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилинаётганини кўриш мумкин.

ADABIYOTLAR:

- Gazi, E. (2002). Misyonerlik ve Misyonerlerin Çalışma metotları. Ankara: Dıyanet İlmı Dergi.
- Sevgı, A. H. (2016). Tarihi Süreç İçerisinde Misyonerlik ve Misyonerlerin Yetim Faaliyetleri. İstanbul: Insamer.
- Sınası, Gündüz; Mehmet, Aydın. (2002). Misyonerlik. İstanbul: Kaknüs Yayınları.
- Tascı, E. (2006). Din sosyolojisi açısından misyonerlik ve günümüz ıslam toplulukları. İstanbul.
- Vегert, V. (1992). Yangicha dunyoqarash bo'yicha hayot. Drezden, 23.
- Ворохобов, А. (2019). Христианское послание и его контекстуализация. Журнал Нижегородской духовной семинарии, 10-15.
- Навоий, А. (1988). Қора кўзим. Тошкент.
- Нажмиддинов, Ж. (2008). Миссионерлик: кеча ва бугун. (стр. 41). Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
- Очилдиев, А.; Нажмиддинов, Ж. (2009). Миссионерлик моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
- Ҳасанбоев, Ў. (2013). Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкўравий курашнинг долзарб йўналишлари. Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
- Чирков, Н. (2018). Инкультурация христианства в контексте межкультурного и межрелигиозного диалога Римскокатолической церкви. Религия и культура, 144-155.
- Kalendarova, D. (2020). Religion and social identity analysis in virtualspace. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 1164-1168.
- Домагальская Н., Торалиева Г. Миссионеры несут в Кыргызстан новую веру и еду. 2005 год. <https://iwpr.net/ru/global-voices/missionery-nesut-v-kyrgyzstan-novuyu-veru-i-edu>
- Andrew McGowan «How December 25 Became Christmas» (<http://www.bib-arch.org/e-features/christmas.asp>.)
- Iegovanning Shohidlari: ular nimaga ishonadilar? Tashkilot tomonidan nashr etilgan tarqatma varaqa. – Gamburg: 2005.
- <https://www.ccrussia.org/about/index.html> 13.08.2021
- <https://globalrecordings.net/en/about> 14.07.2021
- <https://iwpr.net/ru/global-voices/nischeta-v-tadzhikistane-na-ruku-neislamskim-religioznom-organizaciyam> 21.02.2005

REFERENCES:

- Gazi, E. (2002). Misyonerlik ve Misyonerlerin Çalışma metotları. Ankara: Dıyanet İlmı Dergi.
- Sevgı, A. H. (2016). Tarihi Süreç İçerisinde Misyonerlik ve Misyonerlerin Yetim Faaliyetleri. İstanbul: Insamer.
- Sınası, Gündüz; Mehmet, Aydın. (2002). Misyonerlik. İstanbul: Kaknüs Yayınları.
- Tascı, E. (2006). Din sosyolojisi açısından misyonerlik ve günümüz ıslam toplulukları. İstanbul.
- Vегert, V. (1992). Yangicha dunyoqarash bo'yicha hayot. Drezden, 23.
- Voroxobov, A. (2019). Xristianskoe poslanie i ego kontekstualizatsiya. Jurnal Nijegorodskoy duxovnoy seminarii, 10-15.
- Navoiy, A. (1988). Qora ko'zim. Toshkent.
- Najmiddinov, J. (2008). Missionerlik: kecha va bugun. (str. 41). Toshkent: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi.
- Ochildiev, A.; Najmiddinov, J. (2009). Missionerlik mohiyat, maqsadlar, oqibatlar va oldini olish yo'llari. Toshkent: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi.
- Hasanboev, U. (2013). Uzbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar, mafkuraviy kurashning dolzarb yo'nalishlari. Toshkent: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi.
- Chirkov, N. (2018). Inkulturatsiya xristianstva v kontekste mejkulturnogo i mejreligioznogo dialoga Rimskogkatolicheskoy serkvi. Religiya i kultura, 144-155.
- Kalendarova, D. (2020). Religion and social identity analysis in virtualspace. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 1164-1168.
- Domagalskaya, N.; Toralieva, G., Missioner nesut v kirgistan novuyu veru i edu. 2005 god. <https://iwpr.net/ru/global-voices/missionery-nesut-v-kyrgyzstan-novuyu-veru-i-edu>
- Andrew McGowan «How December 25 Became Christmas» (<http://www.bib-arch.org/e-features/christmas.asp>.)
- Iegovanning Shohidlari: ular nimaga ishonadilar? Tashkilot tomonidan nashr etilgan tarqatma varaqa. – Gamburg: 2005.
- <https://www.ccrussia.org/about/index.html> 13.08.2021
- <https://globalrecordings.net/en/about> 14.07.2021
- <https://iwpr.net/ru/global-voices/nischeta-v-tadzhikistane-na-ruku-neislamskim-religioznom-organizaciyam> 21.02.2005